



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ وَأَتْمُّ التَّسْلِيمِ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ، أَمَّا بَعْدُ

“ТАКФИР” ТУШУНЧАСИ

Муҳтарам жамоат! Бугунги суҳбатимизни ҳам ислом ақидасига бевосита боғлиқ бўлган мавзуга бағишлаймиз. Суҳбатимизда ислом оламида аянчли оқибатларга сабаб бўлаётган, жаҳолат туфайли фитналарга замин яратаётган “такфир” тушунчасини мазмун-моҳиятини шарҳлаб ўтамиз. “Такфир” тушунчаси “*бировни кофирга чиқариш*”, “*кофир деб ҳисоблаш*” маъноларини англатади. Шариатимизда мусулмон кишини аниқ ҳужжат бўлмасдан туриб, “кофир” деб ҳукм қилиш ўта хатарли бўлиб, асло мумкин эмас! Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

لَا تَقُولُوا لِمَنْ أَلْفَى إِلَيْكُمْ السَّلَامَ لَسْتَ مُؤْمِنًا

яъни: “Сизга салом берган кимсага, мўмин эмассан, деманглар” (Нисо сураси 94-оят).

Демак, Аллоҳ таоло бу ояти каримада шошма-шошарлик билан бировнинг мўмин эмаслиги ҳақида ҳукм чиқариб, иш кўришдан қайтармоқда.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ” деб турган шахсни кофирга чиқариш хатарини бир қанча ҳадисларида баён қилганлар. Жумладан: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар:

“ثَلَاثَةٌ مِنْ أَصْلِ الْإِيمَانِ: الْكَفُّ عَمَّنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نُكْفِرُهُ بِدَنْبٍ وَلَا نُخْرِجُهُ مِنَ الْإِسْلَامِ بِعَمَلٍ

(رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: “Уч нарса имоннинг асидандир. “Ла илаҳа иллаллоҳ” деган кимсага тегмаслик, уни гуноҳи туфайли “кофир” демаймиз, амали туфайли Исломдан чиқармаймиз” (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон киши бошқа диндошига нисбатан қандай муносабатда бўлиши борасида аниқ ҳукм берилмоқда. Яъни, ҳақиқий мўмин бошқа биродарини гуноҳи туфайли кофирга чиқармаслиги, уни қилган амали сабабли унга “мўмин эмас” деган сўзни айтмаслик лозимлиги уқтирилмоқда.

Яна бир ҳадиси шарифда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

“وَمَنْ قَذَفَ مُؤْمِنًا بِكُفْرٍ فَهُوَ كَقَتْلِهِ” (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ عَنْ ثَابِتِ بْنِ الضَّحَّاكِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: “Ким мўмин кишини кофирга чиқарса, уни ўлдиргандек (гуноҳкор) бўлади” (Имом Бухорий ривоятлари).

Ушбу ҳадисга шарҳ ёзган уламоларимиз: “Мусулмонни ўлдирган қотил қанча гуноҳ олса, мусулмонни “кофир” деб ҳукм қилган кимса ҳам худди шундай гуноҳкор бўлади”, – деганлар. Ваҳоланки, мусулмонни ўлдириш қандай гуноҳ эканлиги ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَعَصَبَ اللَّهِ عَلَيْهِ وَلَعْنَةُ وَالْعَدَاةَ عَظِيمًا

яъни: **“Кимда-ким қасдан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳнинг ғазаби ва лаънати ёғилур ва Аллоҳ унга улкан азобни тайёрлаб қўйгандир (Нисо сураси 93-оят).**

Кофирга чиқаришнинг хатари ҳақидаги мушхур ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

"أَيُّ أَمْرٍ قَالَ لِأَخِيهِ: يَا كَافِرٍ؛ فَقَدْ بَاءَ بِهَا أَحَدُهُمَا؛ إِنْ كَانَ كَمَا قَالَ، وَإِلَّا رَجَعَتْ عَلَيْهِ"

(رواه الإمام مسلم عن عبد الله بن عمر رضي الله عنه)

яъни: **“Агар киши ўз биродарига: “Эй кофир” деса, иккисидан бири кофир бўлади. Агар биродари ҳақиқатан ҳам кофир бўлса, тўғри айтган бўлади, акс ҳолда бу гапи кофир дегувчини ўзига қайтади” (Имом Муслим ривоятлари).**

Бу маънодаги ҳадисларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг барчасида инсон бошқа мусулмонларни кофирга чиқаришга шошмаслиги, айбланган шахс у айтганидек бўлмаса, ўзи ўша сифатга дохил бўлиб қолиши таъкидланган.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимларини олган саҳобаи киромлар ва улардан кейинги уламоларимиз ҳам мусулмонни “кофир” дейишдан қаттиқ ўзларини эҳтиёт қилганлар. Чунки улар бу ишда қатта гуноҳ борлиги ва бу гап ўзига қайтиб қолишидан хабардор эдилар.

Ислом тарихидан маълумки, мусулмонни гуноҳи сабабли “кофир” дейишга биринчи бўлиб журъат этганлар “Хавориж” фирқаси бўлди. Улар: “Мўмин киши гуноҳ иш қилса, кофир бўлади, исломдан чиқади”, – деди. Бора-бора “Хавориж”ларнинг мусулмонларни кофирга чиқаришдан бошқа қиладиган иши бўлмай қолди. Уларнинг шариятга зид бу ишлари мусулмонлар орасида ихтилоф ва зиддиятларни чиқариб, қирғинбарот урушларга, мусулмонларнинг беҳисоб қонлари тўкилишига олиб келди. Уламоларимиз хаворижларчалик исломга қатта зарар етказган куч бўлмаганини таъкидлайдилар.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳам “Хавориж” фирқасининг ғоявий издошлари чиқиб турибди. Замонамиз хаворижлари ҳам қадимги маслакдошларидан “ўртак” олиб, фитнес-фасод қилмоқдалар. Буларнинг ҳам, ўтмишдаги маслакдошлари каби, мусулмонларни айблашдан бошқа “ғамлари” йўқ. Булар иложи борица кўпроқ мусулмонни гуноҳи сабабли кофирга чиқаришни ўзларининг бош вазифалари деб биладилар. Айни пайтда булар ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда давлат раҳбарларидан бошлаб, ўзларига ҳамфикр бўлмаган ҳар бир мусулмонни осонгина кофирга чиқарадилар. Уларнинг сохта фатволарига кўра, “Ҳозирда мусулмонман деб юрганларнинг учдан иккиси мушрик ва кофир бўлиб кетган” (Аллоҳ асрасин!). Буларнинг бу “фатвоси”нинг пуч экани Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг юқорида зикри келган ҳадисларидаги وَلَا تُكْفِرُوا بَدَنٍ яъни: **“Мусулмонни гуноҳи туфайли кофир демаймиз”** деган қониданинг ўзи кифоя қилади.

Машхур саҳобий Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан бу масала борасида сўралди:

هَلْ كُنْتُمْ تُسْمُونَ شَيْئاً مِنَ الذُّنُوبِ كُفْراً أَوْ شِرْكَاً أَوْ نِفَاقاً؟ قَالَ: مَعَادَ اللَّهِ، وَلَكِنَّا نَقُولُ: مُؤْمِنِينَ مُدْنِينَ

яъни: “Туноҳлардан бирортасини куфр, ширк ёки нифоқ деб билармидинглар? У зот: “Аллоҳ сақласин! Биз гуноҳ қилган кишини гуноҳкор мўмин деб биламиз” дедилар” (*“Мажмаъуз завоид ва манбаъул фавоид”* китоби).

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, барча уламолар бир овоздан ҳаром иш қилган киши, модомики уни ҳалол санамас экан, кофирга чиқарилмайди, балки фосиқ, гуноҳкор бўлади, дейдилар. Қолаверса, мазҳаббошимиз Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг “Фикҳул акбар” китобларида шундай деганлар:

وَلَا تُكْفِرُ مُسْلِمًا بِذَنْبٍ مِنَ الذُّنُوبِ وَإِنْ كَانَتْ كَبِيرَةً إِذَا لَمْ يَسْتَحِلِّهَا

яъни: “Мусулмон киши катта гуноҳлардан бирини қилса ҳам, модомики ўшани ҳалол санамаса, кофирга чиқармаймиз”.

Буюк муҳаддис олим Абу Жаъфар Таҳовий ал-Ҳанафий ҳам ўзининг “Ал-Ақида ат-таҳовия” асарида шундай деганлар: “Қибла аҳллариининг бирортасини гуноҳи сабабли, модомики уни ҳалол санамас экан, кофирга чиқармаймиз”.

Бу масалада Мулла Али Қорий раҳматуллоҳи алайҳ бундай деганлар:

قَالَ غُلَمَاؤُنَا: إِذَا وُجِدَ تِسْعَةٌ وَتِسْعُونَ وَجْهًا تُشِيرُ إِلَى تَكْفِيرٍ مُسْلِمٍ وَوَجْهَةٌ وَاحِدٌ إِلَى إِتْقَانِهِ عَلَى إِسْلَامِهِ فَيَنْبَغِي لِلْمُفْتِي

وَالْقَاضِي أَنْ يَعْمَلَ بِذَلِكَ الْوَجْهِ

яъни: “Машхур ҳанафий уламолардан Ибн Нужайм раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: “Агар мусулмонни кофир дейишга далолат қиладиган тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, мусулмон деб билишга далолат қилувчи биргина далил бўлса, муфтий ва қозилар учун ўша битта далилни олиш лозим бўлади” (*“Шарҳуш-шифо”* китоби).

Аммо ҳозирги кундаги адашганлар бу масалада: “Мўмин дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир дейиш учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизини қўйиб, ўша бир далилни олиш керак”, – дейишгача бориб етдилар. Бу эса барча аҳли сунна уламоларимизнинг тутган йўлларига тамомила зиддир.

Ўтган асримизнинг забардаст олими Муҳаммад Саид Рамазон Бутий раҳматуллоҳи алайҳ бир мақолаларида қуйидагиларни ёзадилар: “Мен саҳобаларнинг замонларини ўргандим, улардан бирортасининг гуноҳ қилган кимсани кофирга чиқарганларини кўрмадим. Тобеинларнинг даврларини текширдим, уларнинг ичларида “Мўътазила”, “Жаҳмийя”, “Хавориж” ва бошқа фирқалар бўлишига қарамасдан, улар ҳам ҳеч кимни гуноҳи сабабли кофирга чиқармаганлар. Энди ҳозирги кундаги ҳар бир гапида мусулмонни кофирга чиқараётган кимсаларга нима дейиш мумкин. Улар: “Биз саҳоба ва тобеинларга эргашамиз”, – деган даъвони кўтарадилару, лекин қиляётган ишлари асло саҳоба ва тобеинларнинг амалларига тўғри келмайди. Улар мусулмонни кофирга чиқаришни худди бандани Аллоҳга яқинлаштирадиган тасбеҳ сингари кўп ишлатадилар”.

(Имом-хатиблар мавъизанинг мана шу ўрнида ўз сўзи билан жонли тарзда такфирнинг салбий оқибатлари, унинг хатари ҳақида гапириб берадилар...)

Ҳозирги кундаги мусулмонларни кофирга чиқарувчиларнинг асосий хатолари – динни пухта билмаслик, оят-ҳадисларни енгил-елпи тушиниш, мўътабар мужтаҳид уламолар, муфассирлар ва ҳадисларга шарҳ ёзган буюк олимларнинг сўзларини билмасликлари ёки билсалар ҳам, эътиборга олмасликларидир. Мисол учун айрим жоҳил тоифалар

﴿وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ﴾

яъни: **“Менга шукр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!”** (Бақара сураси 152-оят) оятидаги ﴿وَ لَا تَكْفُرُونِ﴾ деган жойини “Менга кофир бўлманглар” деб тафсир қилишади. Яъни, гапни кофирликка бурадилар. Ваҳоланки, бирор муфассир бу сўзни “куфр” деб тафсир қилмаган, балки, “ношукрлик” деб тафсир қилганлар. Масалан, Имом Қуртубий буни шундай тафсир қилган: فَالْكُفْرُ هُنَا سِتْرُ النِّعْمَةِ яъни, **“бу жойдаги “куфр” сўзи Аллоҳ берган неъматни яшириш – ношукрлик қилишдир”** деганлар.

Бу каби мисолларни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан кўплаб келтириш мумкин. Шундай экан, Қуръони каримда ёки ҳадиси шарифларда “куфр” сўзи ёки унга ўзакдош калималар келганда, ундан фақат кофирлик назарда тутилган деб тушунмасдан, балки мўътабар муфассир ва муҳаддис уламоларимизнинг тафсир ва шарҳларига қараб хулоса чиқаришимиз шарт бўлади.

Муҳтарам жамоат! Тангани икки томони бўлгани каби, ҳар бир мусулмон қалбини шубҳалардан, тилини куфрий лафзлар (кишини кофирликка етаклайдиган сўзлар)дан ниҳоятда эҳтиёт қилиши зарур. Уламоларимиз куфр лафзлари ҳақида ақида китобларида алоҳида боблар ёзганлар.

Шундай экан, мусулмон киши ислом шиорлари (муқаддас тушунчалар)ни масхара қилиши ва паст санаши орқали диндан чиқиб қолади. Масалан, Аллоҳ таолони шериги ёки боласи бор дейиш, Аллоҳ таолога Унга нолойиқ бўлган сифатлар нисбатини бериш, Аллоҳ ёки пайғамбарларни масхара қилиш, улар буюрган топшириқ ва қайтариқларни инкор қилиш, дин амаллари ва шиорларини паст санаш ва масхаралаш, Қуръони карим, фаришталар, жаннат, дўзах, Қиёмат куни, қайта тирилиш ва намоз каби фарзларни инкор қилиш, уларни менсимаслик, масхара қилиш ва одамларни кулдириш учун улар ҳақида латифа тўқиш кишини имонига футур етказди.

Бу ҳақда машхур муҳаққиқ олим Имом Ибн Ҳажар Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ “Саҳиҳ Бухорий”га шарҳ ёзган ўзларининг “Фатхул Борий” китобларида бундай деганлар:

“مَنْ تَبَتَ لَهُ عَقْدُ الْإِسْلَامِ بَيِّنِينَ لَمْ يَخْرُجْ مِنْهُ إِلَّا بَيِّنِينَ (الْفَتْحُ الْبَارِي)

яъни: *“Кимнинг исломи (мусулмонлиги) аниқ бўлса, у исломдан фақат аниқ куфр билангина чиқади”* (Аллоҳ асрасин!).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мусулмонни кофирга чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобаи киромлар, тобеинлар ва уларга эргашган уламоларимиз гуноҳкор мусулмонларни муртад ёки кофирга чиқармаганлар. Шундай экан, мусулмон шахс суннатга ҳамда салафи солиҳлар йўлига эргашишини даъво қилар экан, ушбу қоидани маҳкам тутиши лозимдир.

Мухтарам жамоат! Ўтган жума маърузаларида таҳоратнинг фарзлари билан батафсил танишаётган эдик. Бугун ана шу мавзуни давом эттириб, таҳоратда оёқ ювишга тегишли масалалар билан танишиб чиқамиз.

Таҳоратнинг тўртинчи фарзи – оёқларни тўпик билан кўшиб ювишдир. Бир кишининг қўли тирсагининг ёки оёғи тўпиғининг юқорисидан кесилган бўлса, бу аъзоларни ювиш ўз-ўзидан соқит бўлади. Лекин тирсак ва тўпикдан озгинаси қолган бўлса, ўша ерни ювиш фарз бўлади. Оёғини кесиб ташласа ҳам, билмайдиган даражада оёғи шол бўлган киши таҳоратда оёғини ювиши шарт ҳисобланади.

Оёқлари ёрилган киши ёрилган жойларига малҳам суртган бўлса-ю, таҳорат қилганда малҳам остига сув етмаса, қаралади: Агар сувнинг малҳам остига етиши ёрилган жойларига зарар қилса, таҳорати жоиз саналади. Агар зарар қилмаса, малҳам остига сув еткизмагунча, таҳорати жоиз ҳисобланмайди.

Таҳоратда оёқ бармоқларини хилол қилиш – суннати муаккада саналади. “Хилол қилиш” деганда – оёқ бармоқлари орасидан сув томчилаб турган қўл бармоқларини ўтказиб, бармоқлар орасига сув етказиш тушунилади. Оёқлари семиз, бармоқларининг орасига сув етмайдиган кишининг оёқ бармоқлари орасини хилол қилиши фарз бўлади.

Оёқ бармоқларини хилол қилишда – чап қўлининг жимжилоқ бармоғи ёрдамида ўнг оёғининг бармоқларидан бошлаб чап оёғининг кичик бармоғигача сув етказилади. Бунда жимжилоқ бармоғини оёқ бармоқларининг остидан киритади.

Агар бармоқларининг тирноғи бармоқларнинг учини тўсадиган даражада узун бўлса, таҳорат пайтида тирноқларнинг остига сув етказиш вожибдир (Манба: “*Фатавоийи ҳиндийя*” китоби).

Мухтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси “НАМОЗ – МЎМИННИНГ МЕЪРОЖИ” мавзусида бўлади.